

«Шу нарсани юрагим дук-дук уриб туруб ёздим» десам ё ишонасиз, ё ишонмайсиз.

Лекин, юрагим «шамол теккан япрокдай калтирайдир...» Бир хил завк — «нашъа» билан калтирагон юрагим, бутун танимни силкитадир ва кўлим хам шу орада енгилгина чайкалиб турадур. «Бу нимадан келди?» десангиз, англатай:

Шу сўзларнинг энг юкорисида «Улуг хиндий» деб кўюбмен-ку, ана ўша улуг зот, яъни Робиндранат Тагўр деган киши, ёшрок вақтларида бутун дунёнинг энг баланд тоғларидан бўлган Химолаянинг хайбатли ёнбагирларида отаси билан бирга саёхат килиб юрган экан. Ўша вақтларда хам ниппа-ниназин (яъни балодек) шоир бўлгон бу буюк зот ҳеч нарса ёза олмабдир. Шундай улуг Химолаянинг кўклар билан ўпишган чўккиларида, тун коронгисидан хам калин ўрмонлар кўйнида, шундай катта шоир бир огиз нарса дея олмаса, биргина шеър парчаси ёза олмаса-я? Муни каранг! Ўз тирикчилигига оид китобида ўзи шундай деб ёзгондан кейин тангиркаб — хайрат ёкасини ушлаб колдим...

Русчага таржума килиниб, босилгон асарларининг кўпини ўкуб ўтганимдан кейин, шу улуг ва кийматбаҳо одамни ўз элимга танитмокчи бўлдим. Шу ният билан кўлимга неча маротаба калам олгон бўлсам, хаммасида хам калтирок босди, тўхтадим... Факат, менингча, у калтирок босишларнинг ва у юрак калтирашларининг «сирри» хам шу орада билинди, шундайким:

— Хинд дохийсининг Химолая тоғларида ҳеч нарса ёза олмаслиги у тоғнинг жуда хайбатли, азамат ва улуг бўлуб аклни шошириб кўйишлигидан бўлса, менинг у азим зот тўгрисида ҳеч нарса ёза олмай калтирокланишим хам у одамнинг Химолая тоғлари кадар хайбатли ва улуг бўлишидан келган экан!

Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида колгон шаркли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, гарбники тагин — яна ширин. Кайси биттасига кўпрок берилсин? Бири биридан ширин ахир!

Бизнинг ўзбеклар учун хали хозирга у хил чучмаллик йўк. Нимага десангиз, ўзбеклар

эскидан — хеч сабабсиз — аразлагон, хафа; янгига — эндигина сукулиб кирмоқда У адабиёт майдонида янгиликка нисбатан: ёш бола гўдак, чакалок, эскиликка нисбатан: етим, кимсасиз; беспризорный, ўзбошли! Журъат килиб: «йўлсиз» деб юборайин деймену, кўркамен; негаким бошлаб... ўзим йўлсиз!

Ўзимнинг йўлсизлигимдан бир оз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойкаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фуркат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошка нарса ягилик кидирадир: Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, Жулкинбойларни ўқиймен, кувонтирадир холос! Улар менинг учун ёнгон чироклар бўлса хам менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддикий, Хақимзодаларни ўқумаймен, ўқумаймен, мени шу холга солгон ўшалар!..

Нечун очилдп кўзим. Кайда кетди уйкуларим?..»

Тўкайдан тортиб Кави Нажмигача — татар адабиётини, Ходийдан тортиб Жаводга кадар Озарбайжон адабиётини (Хусайн Жовидни ажратиб олиб колдим!), Номик Камолдан Али Сайфи (А. Сайфи) га довур усмонли адабиётини ўқуймен: ё — ортик янгилик, гарблик, ё ортикча шарклилик! Факат усмонличадан Ризо Тавфикнинг баъзи бир янги шакл билан эски руҳда айтган суфийларча шеърларини ўқуймен; шуларга дурустгина конамен; ундан кейин Яхё Камолнинг «Саъдобод» руҳида баъзи нарсалари. Факат — улар шу кадар озки... Ана шу вазиятда экан, халиги улуг зот менга йўлукди. Шундан кейин чинакам кондим!

Кўлим калтираса хам, юрагим ўйнаса хам, кудратим етмаса хам ўша «Шарк ва Гарб ўртасидаги олтун кўпрук»ни элимга танитмокчи бўлдим. Мундан ортик бир нарса демак, чинакам, кўлимдан келмайдир. Менинг кўлимдан келгани: у муборак одамнинг баъзи бир нарсаларини наср билан русча оркали таржума килиб бериш бўлди. Шу хам — катта гап.

Кўйида унинг «Ўрок ой» деган асаридан учта шеърнинг таржумаси босилди. У шеърлар тўгрисида факат шунигина айта оламанким, улар ёш бола, яъни гўдак ахволи руҳиясини кўрсатишда бир-бирлари билан пойга кўйишадирлар. Шуларни ўқудим, кайтиб-кайтиб ўқудим, ундан кейин Хожи Ражабнинг Шукур ва Хабиб деган кичкина-кичкина болалари

билан гаплашдим ва бирга-бирга... ўюн қилишдим! Шунда билдимким, ўшаларнинг ҳар бири: бир Тагўр, бир улуг Хиндий!

Улуг хиндий. — «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 7—8 кўшма сонидан чоп этилган.

Рабиндранат Тагўр — (Тхакур Рабиндранатх — 1861—1941) — машҳур хинд адиби. Катта шеърӣ ва насрий китоблар, романлар муаллифи. 1913 йилда «Бахшида кўшиқлар» шеърӣ китоби учун Нобель мукофотида сазовор бўлган.

Химолая тоғи — Хиндистон, Хитой, Непал ва Покистон давлатлари ҳудудида жойлашган ер юзидаги энг баланд тоғ тизмалари. Химолая — санскритча «қорлар макони» демакдир.

Умархон — Кўкон хони (1811—1822) Нодирабегимнинг эри, Амирий таҳаллуси билан газаллар битган, девон тартиб берган. Унинг хонлик даврида Кўкон адабий муҳитида жонланиш сезилади.

Фазлий — Фазлий Намангоний (18 аср охири, 19 аср бошлари), шоир, адабиётшунос. Умархон даврида Кўкон сарой шоирларига бошчилик қилган. Бир гуруҳ муаллифлар иштирокида 1821 йил «Мажмуаи шоирон» тазкирасини тузган. Ўзбек ва тожик тилларида ёзган газал, туюқ, мухаммаслари баёз ва мажмуаларда сақланиб қолган.